



ТОШКЕНТ О'QUJOMI



XXI аср саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсаройда ёнлиги-энергетика тармоғи технологияси билан шугулланадиган АҚШнинг «АББ Лумбус Глобал» компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди. Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

● **Олий Мажлис** Кенгашининг қўлиб ўтган мажлисида иккинчи чакриқ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси** еттинчи сессиясининг якуни ҳамда унинг қарорларини бажаришга доир чора-тадбирлар, Кенгашнинг ўз ваколат доирасига қирадиган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

● **Ўтган шанба кuni** республика Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида умум-халқ референдумини ўтказиш билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинди.

● **Тошкентда** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда капитал маблағларнинг ўзлаштирилиш жараёнига бағишланган йилги мажлис бўлиб ўтди.

● **Ташқи ишлар вазирлигининг** Қабуллар уйида Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ ўртасида Афғонистон инсонпарварлик ёрдами етказиб беришни қўллаб-қувватлаш ҳақида протокол имзоланди.

● **Мамлакатимизда** «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» бошланди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган мазкур тадбир келгуси йилнинг 10 январига давом этилди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида тадбирнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

● **Ўтган шанба кuni** АҚШ ҳукумати томонидан умумий қиймати 2,5 миллион доллар келадиган тиббиёт жиҳозлари ва дори-дармонлар ортлган самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди.

● **Фарғона Давлат университетида** Аналар ва болалар йили Давлат дастури бўйича «Экология ва аё» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● «Ўзбекино» давлат акциядорлик компаниясининг Киночилар уйда миллий ва хорижий фильмлар намойишининг киши мавсуми очилишига бағишланган тадбир ўтказилди.

● «Экспан» халқаро жағфармаси томонидан ташкил этилган Саломатлик певэди Оролбўйи минтақасига йўл олди.

● **Жаҳон иқтисодиёти** ва дипломатия университети қошидаги «Бизнес олами» ўқув марказида Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари ўртасида инглиз тили байрами ўтказилди.

● **Мамлакатимизда** чоп этилаётган нашрлар қаторига яна бир нашр қўшилди. «Китоб дунёси» нашрининг илк сони босмадан чиқди.

● **Бугун** Миразо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида буюк мусаввир Камолдин Беход миниатюра санъати музейи асарлари кўргазмаси очилди.

● **Бугун** Озарбайжон парламенти Европа Иттифоқи делегацияси аъзолари билан биргаллик мамлакатда инсон ҳуқуқлари вазиятини муҳокама қилди.

● **АҚШ** мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Озарбайжон, Грузия ва Арманистонга ташриф буюрди.

● **Оқ уй** раҳбари Жорж Буш АҚШ қитъалараро ракета-лардан химояланадиган тизим яратишни ман қилиш бўйича 1972 йилнинг 26 майида Москвада имзоланган шартномадан чиқиб Россия мулозимларига маълум қилди. Оқ уй мулозимларининг айтишича, ушбу қарор расмий Вашингтон ва Москва ўртасидаги муносабатларга соя ташламайд.

● **Кеча** АҚШ Қобулда яна ўзининг дипломатик векслатхонасини очди.

● **АҚШ** Конгресси мамлакатнинг 2002 йилги мудофаа соҳаси учун 343 миллиард доллар ажратиш хусусидаги ҳужжатни тасдиқлади.

● **Кеча** Исроил ҳарбий вертолётлари Фаластиннинг Газа минтақасидаги бир неча объектларига яна зарбалар берди.

● **БМТ** Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқдаги вазият борасида тавҳиш билдирган. Бош котиб Ёсир Арофатга мурожаат қилиб, рўй бераётган терактлар айбдорларига нисбатан кескин чоралар қўриш лозимлигини айтган. Маълумки, Исроил навбатдаги терактлардан сўнг Фаластин мазмуриятини мутлақо тэн олмаслигини айтиди ва ҳарбий ҳаракатларни ўзғартирди.

● **Мисрда** араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Яқин Шарқ муаммоси бўйича ўтказилиши режалаштирилган факультетда мажлиси келаси йилнинг 4-5 январь кунларига қолдирилди. Миср ташқи ишлар вазирлиги Аҳмад Моҳир Фаластин раҳбари Ёсир Арофат, АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ҳамда Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин билан мулоқот қилиб, шундай қарорга келган.

● **Кеча** Остонада Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари Н. Назарбаев ва А. Ақаев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Тонмонлар чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

● **Кеча** Қозоғистон мамлакат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлади.

● **Algan Islamic Press** хабарига кўра, Усама бин Лодин Тора-Борани тарқ этиб номаълум томонга яқинлашган. Бин Лодин Бирлашган фронт қўшлари Қобулни эгаллашгандан сўнг бег қелган. Тора-Боранига қамални Бин Лодин қандай ёриб чиққанлиги аса ҳозиргача жумбоқ. Биз маълумотларга кўра, террорчи Тора-Борани 26 ноябрь кун тарқ этган.

● **Iberia** ва **American Airlines** авиакомпаниялари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида шартнома тузишган. Бу шартномага кўра, Испания ва АҚШ ўртасида янги ҳаво йўллари бўйлаб ҳаракат амалга оширилади. Битим 19 декабрдан бошлаб амалга қиради.

● **Террорчилар** томонидан Хиндистон парламентида ҳужум уюштирилгандан сўнг мамлакатдаги барча йирик шаҳарлар, ҳукумат ва маъмурий бинолар полиция ва хавфсизлик хизмати томонидан назоратга олинган. Мухолиф ҳинд миллий конгресси ҳукуматни хавфсизлик борасида жиддий ҳатотликларга йўл қўйганда айблади.

● **Нидерландиянинг** Дидам шаҳрида таниқли ўзбек расмоси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси Акмал Нурнинг шахсий кўргазмаси ташкил этиладиган бўлди. Унда мўйқалмак устасининг муҳаббат, севги-садоқат мавзусида сўнги икки йил мобайнида яратган йиғирмадан ортик асар намойиш қилинади.

● **Америкалик Р. Вудбери** узунлиги бор-йўғи 97 сантиметр келадиган икки ўринли электромобиль яратди. Ягона йўловчи ҳайдовчи ортида ўтиради.

● **Таниқли француз актёри** Ален Делон бундан буён кинода суратга тушмаслигини айтиди. Маълумки, Ален Делон 85 фильмида образлар яратиб, шулардан 82 тасида бош ролни ўйнаган.

Янада обод бўл, азим Тошкентим!

Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг пойтахт аҳолисиغا **МУРОЖААТИ**

Азиз ҳамшаҳарлар!
Ўн йил — тарих учун қисқа вақт. Ўзбекистон учун бу даврнинг ҳар бир йили, ҳар бир лаҳзаси асрларга татигулик дейишга ҳақлимиз. Ўтган ўн йил биз учун сермазун ва шу билан бирга машаққатли бўлди. Шу давр мобайнида онгимиз, тафаккуримиз, турмуш тарзимиз ўзгарди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолиги ва бевосита ташаббуслари тўғрисида бугунги кунда овоз ва обод Ватанимизнинг муқаддас оstonаси бўлиши Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётида муносиб ўрин тутуши, муаззам пойтахтимизнинг мамлакатимиз ривожланишида, фан ва техника, ўқув юртлари, таълим-тарбия, иқтисодиёт, ички ва ташқи савдо соҳаларида эгаллаётган салоҳияти ва аҳамияти барчамизга яхши маълум.

Бу ҳақда Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида бир неча бор ургу бериб, «давлатимиз маркази, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг юраги бўлиши азим Тошкентимизнинг ҳаёти, тараққиёт суръатларига қараб, Ўзбекистонимиз ҳақида, унинг бугунги ва эртанги иқболи — истиқбол ҳақида хулоса чиқаришимиз, унинг ёруғ бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз мукярар», деб таъкидлаган эдилар.

Мухтарам ҳамшаҳарлар!
Ўзгал ва бетакрор Тошкент кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси деган номга муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олаётганлиги ҳар биримизга гурур ва ифтихор бахш этади. Шу билан бирга муаззам Тошкентимизнинг янада ўзгал, обод ва кўркам бўлишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз кераклиги ва бу инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Шу ниятлар билан Сиз, азиз юртдошларимизни Ватанимиз пойтахти — азим Тошкентимизни янада озода, обод ва фаровон қилиш учун сиқидиланган фидокорона меҳнат қилиб, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашишга чақирамиз.

Бу йўналишдаги ишлар миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳамда ҳаётий тажрибамиз эга бўлган ота-оналаримиз, бува-бувижонларимиз ўғитлари асосида ҳар бир маҳалла, ҳар бир мавзе, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ичига кириб бориши ва келгусида анъанавий тус олишига умид қиламиз.

Азиз ҳамшаҳарлар!
Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланган шу кутлуғ йил якуни — янги, 2002 йилнинг арафасида шахримиз озода ва обод бўлиши учун яна бир бор ўз куч-ғайратимизни сафарбар қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Агар биз Оллоҳ берган азиз юртимизнинг кўрк ва чиройидан тўлиқ баҳраманд бўлайлик десак, ўзимиз яшаб турган жой янада обод ва фаровон бўлишни истасак, «Энг тоза уй», «Эй тоза маҳалла», «Энг тоза туман» шиори остида бир ёқадан бош чиқариб, халқимизнинг азал-азалдан ҳашар йўли билан ташкиллаштирилган хайрли ишларига салмоқли ҳиссамизни қўшишга киришайлик.

Ният қиламизки, бу борада Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг тўққиз йиллигига бағишланган йилги мажлисда айтганларидек, новб кадрларимиздан бири бўлиши маҳалларимиз кудрати, оилаларимиз бахти ва саодати ҳисобланмиш аёлларимизнинг ўзбекона хислатлари, давлатимиз келажаги аталмиш ёшларимиз ақл-заковати алоҳида ўрин тутайди.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси
Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси
Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

Ободонлик йўлидаги хайрли ташаббус

Ўтган шанба кuni пойтахт маҳаллалари фаоллари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман бўлимлари, «Маънавият ва маърифат» маркази, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари, халқ таълими соҳаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йилги мажлис бўлиб ўтди.

Кўз ўнгимизда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида Тошкент кун сайин кўрку чирой очиб бораётгани, обод маҳалла ва гузарлар, янги-янги зонавий ўқув юртлари бунёд этилаётгани мамлакатимизнинг тараққиёти, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида қилинаётган эзгу ва хайрли ишлардир. Йилги мажлисда ана шулар ҳақида гап борди. Унда сўзга чиққанлар шахримизни янада обод, кўкамзор, гўзал қилиш, бу ишга барча ўз ҳиссасини қўшишни таъминлаш мақсадида ҳашар каби ажойиб анъанамиздан фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди, пойтахтни янада обод ва кўркам қилиш бўйича шаҳар аҳолисига мурожаат қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

● **Қобил ЗОКИРОВ, Юнусобод туманидаги Фуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласи оқсоқоли:** — Мустақилликдан кейин улкан ўзгаришлар рўй бериб, ҳозирда гўзал Тошкентимиз

ни бутун дунё танипти. Эндилликда қурилиш билан бир қаторда шахримизни биргалликда ободонлаштириш ишлари ҳам янада эътибор қаратишимиз керак. Чунки, ўз уйимизни, маҳалламизни ўзимиз обод ва орасаларимиз бу ишларга кексаларимиз бош-қош бўлишса нур устига аёло нур бўларди.

● **Дилбар ЖҲРАЕВА, Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси:** — «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг хайрли ташаббусини чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз ва пойтахтимизни гул

шаҳрига, покиза, обод гўшага, том маънодаги шарқ дарвозасига айлантиришга ҳаракат қиламиз.

● **Гулчехра ОЛИМЖОНОВА, Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси:** — Биз ёшлар пойтахтни янада обод ва кўркам қилиш юзасидан мурожаатни қўллаб-қувватлаймиз. Бутун шаҳар аҳолиси билан ҳамжиҳатликда ободончилик ва орасалаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшамиз...

● **Даврон ИСАЕВ СУРАТЛАРДА:** кенгайтирилган йилги мажлисдан лавҳалар.

● **Сергей Любич олган суратлар.**



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ Парламент фаолияти билан танишув

Маълумки, Бош Қомиссия — Конституция асосида ҳаётимизни фаровонлаштириш борасида қонулар ишлаб чиқилиб, қабул қилинадиган орган — Олий Мажлис депутатлари фаолиятига нисбатан халқимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ҳурмат, эътиборнинг ошиши, ёш авлоднинг парламент фаолияти билан танишиб бориши аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутайди. Республикаимиз Конституциясининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз шундай фикрларни илгари сурган эдилар.

Кунги кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббус кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти билан шахримиз туманлари Кенгаши раислари, олий ўқув юртлари «Камолот» бошланғич ташкилотчилари етакчилигини яқиндан таништириш мақсадида уларнинг Олий Мажлис фаолияти билан бевосита танишувларини ташкил этди.

Дастлаб шахримиз ёшлари Олий Мажлис фаолияти, бу ерда депутатларнинг ишлари учун яратилган шароитлар билан бевосита танишди. Сўнг улар Олий Мажлиснинг сув ҳужайи масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг котибияти фаолияти билан танишдилар. Мулоқот чоғида жумладан қонуларнинг ишланганидан сўнг қабул қилинганга қадар амалга оширилган жараён, республикаимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини ошириш юзасидан бажарилаётган юмушлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Ёшлар қонуларнинг қабул

қилиниши жараёни, депутатларнинг фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаганига мудофасал жавоблар олдилар.

— Бундай учрашувлар ёшларимизда миллий ифтихорини, Олий Мажлисга нисбатан ҳурматини, миллий рўҳини янада оширади, — дейди, Тошкент автомобиль йўллар институтини «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари етакчилари кенгаши раиси Азимжон Мирзажонов. — Тадбир иштирокчилари ўз навбатида мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида тенгдошлари билан ўз фикрлари, таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Зеро, Олий Мажлис фаолияти билан танишгандан сўнг ҳаммамизда ўзимизнинг депутатларга нисбатан ҳурмат, келгусида халқ ноиблигига номзод сиратида интилиш ошди...

Шуни айтиш керакки, келгусида «Камолот» ижтимоий ҳаракати қошидаги Болалар ташкилотлари раислари, ҳаракатининг шаҳар Кенгаши мутахассислари ва туман фаолларини жалб этган ҳолда ҳам шундай тадбирларни уюштириш режалаштирилган.

(Ўз муҳбириимиз) СУРАТЛАРДА: танишув пайтида лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



КЕЧА

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов маънавият қилиб, фазилатли айём билан барчани кутлар экан, Ассий Қонунимиз бўлиши Конституцияда дин ва виждон эркинлиги соҳаларига катта эътибор қаратилганлиги, муборак Ҳаж зияратига борувчиларга ёрдам қўрастиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг чиқиши, 2002 йилнинг Юртбошимиз томонидан Қарияларимиз қадрлаш йили деб эълон қилиниши барча мўмин-мусулмонларни беҳад шод этганлиги, бинобарин, эндиликда ота-оналар,

кексаларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, уларни қадрлашнинг янада кучайишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу ишларнинг доимо мўмин-мусулмонлар эътиборида бўлиши билдирди. Сўнг Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Жамоат иштирокида Ҳайит намози ўқиб бўлингач, дину диёнатиимиз, қадриятларимиз қарор топаётган мустақил юртимиз янада гуллаб-яшнаши, унда тинчлик-осойишталик бардавом бўлишини, Юртбошимизга сийҳат-саломатликни Яратгандан сўраган

ҳолда дуолар қилинди. Кишилар бир-бирларини Рамазон ҳайити билан муборакбод эттишти.

Ҳайит байрамининг ажойиб удумларига ривож қилиш ҳолда хаста ётган, мискин кишилар, кексалар ҳолидан хабар олинди, янги келин тушган хонадонларда азалий қадриятларимиздан бири бўлиши келин салом маросимлари адо этилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Рамазон ҳайитининг файзли лаҳзаларидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ШУҲРАТЛАР АНЪАНИ





Қутқарув хизмати ходимларига совға

Ҳозирги кунда фавқулодда вазиятлар хизматига бўлган эътибор кун сайин кучаймоқда. Хар бир қутқарувчи содир бўлган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилар экан, бу вазиятда унинг ташқи кўриниши, устки кийим-боши кулай ва эстетик жиҳатдан қилаётган ҳаракатларига мос бўлиши керак.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари учун ажойиб совға тайёрлади. Уларнинг 50 нафарига янги услубда тикилган махсус формали устки кийим-бош тантанали равишда топширилди.

Қутқарувчиларнинг махсус формали устки кийим-боши юқори технологик жараёнда тайёрланди. Махсус формали устки кийим-бош ёнгина ва бошқа ташқи таъсирларга чидамли, махсус матодан ишлов берилиб, тайёрланди.

Махсус кийим қутқарувчилар учун мўлжалланган рангда безаклар билан ишлов берилган бўлиб, бошқа хизмат турлари кийимидан алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, мустикаллик шарофати билан кўпчилиги ишлаб чиқариш корхоналари уларнинг иш фаолиятини юқори даражада ўзгартирди. Хар

бир корхона бошқармаси ўзларида ишлаб чиқарилаётган махсулот учун мўлжалланган мато, астарлик мато, безак учун ишлатиладиган мато, боринги махсулот ишлаб чиқариш учун зарур барча матоларни Россия Федерацияси ёки чет элдан келтириб эдилар. Ҳозирда махсулот ишлаб чиқариш учун матоларнинг барчаси ўзимизнинг Ўзбекистонимизда юқори даражали технологик жараёнда, ташқаридан таъсир кўрсатадиган барча омилларга чидамли қилиб ишлаб чиқарилмоқда.

Қутқарувчилар учун тикилган махсус формали устки кийим-бош ҳам Тошкент шаҳри корхоналарида ишлов берилиб, тайёрланди.

Бу кийимларнинг афзаллик томони шундаки, кийимлар биринчидан ихчам, нозик дид билан тикилган, ҳозирги замон талабларига жавоб беради, иш жа-

раёнида қутқарувчилар учун кулайлик туғдиради. Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари шаҳар ҳокимлигига яратиб берилган бу кулайлик учун ўз миёндорчиликларини билдирдилар.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот котиби.

СУРАТЛУРДА: «Қутқарув хизмати» қутқарувчиларига аталган махсус либослар.

Доимий ҳамроҳ

Маълумки, ҳаёт бизнинг кундалик фаолиятимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ва бўлмаган табиий ва техноген турдаги турли-туман фавқулодда ҳодисаларга бой. Бу — ёнғин, zilзила, сув тошқини, қор кўчкиси, довул, захарланши, транспорт тўқнашуви ва бошқалар сабабли тўсатдан содир бўладиган фалокат, ҳалокатлардир. Энг асосий вазифа — бундай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда жабрланган, шикастланган фуқароларни ҳамда зарарланган халқ ҳужалиги иншоотларини ишончли муҳофаза қилиш муҳим йўналишлардан биридир. Зеро, ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан «Болам, эҳтиёт бўл! Фалокат оёқ остидадир, асраганин Оллоҳ асрайди», деган сўзларни жон-жонимизга сингирдиб келганлар.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 427-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тарти-

би тўғрисида»-ги қарори юзасидан амалий ишлар қилинаётганлигини таъкидлаш керак. Шулардан бири Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти «Фуқаро муҳофазаси» журнали томонидан кўп нусхада чиқарилган рангли плакатлар тўпламидир.

Мазкур тўпландан долзарб муаммоларга оид аниқ ва ҳаётий, илмий маълумотлар, тавсиялар содда ва раво тилда баён қилинган. Тўплам «ГРОТЕКС» қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилган.

Плакатлар тўплами долзарб, ҳаётий муаммоларга бағишлангани боис «Ўзингни, оиланг аъзолари ва атрофингдаги одамларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қил!» деган шiorга чинакам ва ишончли даяват этидиган қўзғалмали жиҳоздир. Уйлаймики, бу тўплам эл тинчилиги ва хотиржамлиги билан ҳамдард, ҳамнафас бўлган барча фуқароларни бефарқ қолдирмайди, уларнинг хайрли ва савобли ишларида доимий ҳамроҳ бўлади.

Плакатлар мажмуини нақд пул тўлаш ёки тегишли ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш билан олиш мумкин.

Искандар РАҲМОН

ФУТБОЛ

«Пахтакор»: сарҳисоб ва режалар

Кувончу ташвишларга бой навбатдаги футбол мавсуми ҳам ўз пойнига етди. Ташвиш деганимиз боиси, Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари 2002 йилги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишга қанчалик яқин бўлмасинлар охириги беллашуларда суръатни бўшаширишлари сабабли бундай муваффақиятга эриша олмадилар. Бошқа томондан эса барчамиз учун севилими бўлган «Пахтакор» жамоаси яна илгариги муваффақият мавқени тиклай бошлади — Ўзбекистон Кубогини кўлга киритганиги ва чемпионатда кумуш нишонлар соҳиби бўлганлиги фикримиз далилдир. Бизнинг «Пахтакор» жамоаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Аскар Толибжонов билан суҳбатимизда команда муваффақиятларининг сирлари ва янги мавсум режалари ҳусусида бўлди.

— Бу йилги мавсумда кўрсатилган натижалардан жамоа раҳбарияти ҳам қониқиб ҳосил қилди. Зеро, кумуш нишонлар, Кубока эришти, шунингдек жаҳон чемпионатида саралаш турнирида терма жамоанинг асосий таркибиде 5-6 та пахтакорларнинг иштирок этганлигини ўзига хос муваффақият сифатида баҳолаша бўлади. Унинг ортида эса биринчи навбатда жамоа моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, унга республикамизнинг етуқ, маҳоратли футболчиларини жалб этиш ҳамда ўйинчилар ва клуб раҳбарияти ўртасида хар бир футболчининг ҳуқуқ ва вазибаларини ифодаб берувчи, ҳозирги замон талабларига мос шартномалар тузиш, ўқув-машқ машғулотларини юқори илмий-услубий йўналишда олиб бориш каби омиллар мавжуд.

Шуни айтиш керакки, футбол жамоаси ҳаётида моддий-техник базани муваффақлаш муҳим ўрин тутди. Ушбу мавсумда биз ойлик ва мукофот пулларини ўз вақтида ва келишилган тартибда тўлаш, бошқа жамоалардан қачирган футболчилар учун трансфер харажатларини тўла-тўқис ҳисоб-китоб қилиш, сафар харажатлари етарлича микдорда пул ажратиш, командани чемпионат ўйинларида иштирок этиши учун кийим-кечак, спорт анжумлари билан лозим даражада таъминлаш, ўринбосарлар билан иш олиб бориши тубдан ўзгартариш ва уларга катта эътибор беришга муваффақ бўлди.

Шу йилнинг бошларида юқори натижаларни кўлга киритиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Транс Юла» компанияси ҳамда «Элсун инвест» корхонаси ташаббуси билан «Пахтакор» футбол клуби» қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Қўшма корхонанинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган профессионал клублар даражасидаги низомий ишлаб чиқилди. Ўзини-ўзи моддий жиҳатдан таъминлаш ва ўз харажатларини қоплаш, юқори натижаларни кўлга киритиш вазибаларини ўз олдига қўйган «Пахтакор» футбол клуби» бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Иккинчидан, футболчиларнинг спорт ҳолатини назорат қилиш ва баҳолаш, уларнинг ўйинлардаги ва ўқув-машқ машғулотларидаги фаолиятини, жисмоний нарузкаларнинг футболчилар организмига таъсирини босқич-ма-босқич кузатиб бориш ва бу тўғрисида мураббийларга объектив маълумот бериш ишлари яхши йўлга қўйилди. Бош мураббий эса олинган ушбу маълумотлар асосида иш режаларини тузиб, самарали фаолият олиб борди. Ушбу илмий ишларни олиб боришда бизга Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти футбол кафедрасининг мутахассиси Шомил Эсеев бошчилигидаги гуруҳ катта ёрдам берди.

— «Пахтакор»нинг муваффақиятлари за-

мирида ҳимоя чизигининг муваффақиятларининг ҳам катта ҳиссаси бор албатта...

— Дарҳақиқат, ҳимоя чизигида тўп сурган Бахтиёр Ашурматов, Геннадий Шарипов каби заҳматқаш, маҳоратли ўйинчиларнинг сай-харажатлари муваффақиятларимизни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ишончли ва бир маромада ўйин кўрсатган Андрей Власичев, Баҳодир Сейткамолов, Мухтор Курбонов, ёши улуглигига қарамадан ҳужум чизигида ёшларга ибрат бўлган Игорь Шквирин, Нейматулла Кутгитбоев, Алексей Ждановлар ютуқларимизга ўларнинг салмоқли улушларини қўшганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Маълумки, яқинда футбол федерациясининг йилгилишида жуда муҳим масала — Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийлигига номзодлар муҳокама қилиниб, кўпчилиги ва маъсул вазифага Э.Абдураимов, Р.Акрамов, В.Борисов, Р.Ҳайдаров, Б.Ҳакимов каби мутахассислар лойиқ эканлигини таъкидлади. Бу борадаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам катта тажриба, ўз ўйин услубига эга бўлган юқоридagi мураббийлигимиз Ўзбекистон футболни ривожини учун етарлича хизмат қилган мутахассислар сирасига кирди. Фикримча, терма жамоага бош



мураббийни тайинлашда биринчи навбатда Ўзбекистон чемпионатини яхши биладиган, ҳозирги замон футболни таҳлил қила оладиган, ўқув-машқ машғулотларини юқори савияда ўтказиш салоҳиятига эга, хар бир футболчининг ички дунёсини етарлича била оладиган ҳамда тайёргарликнинг хар бир босқичига илмий жиҳатдан ёндашадиган мутахассис танланса мақсадга мувофиқ бўлади.

— Янги мавсумга тайёргарликни қачон бошлайсизлар?

— Чемпионат ва терма жамоа ўйинларининг узоқ давом этганлигини ҳисобга олган ҳолда ўйинчиларимиз декабрь ойида таътилга чиқариб, бир ой давомиде бемалол хордик чиқаришади. Бунда жароҳатланганлар даволанишлари, бошқалар жисмоний ҳолатларини яхшилашлари мумкин. Янги мавсумга тайёргарликни эса 3-4 январь кунлари ўйинчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан бошлаймиз. Январь ойи охирида хариж давлатларидан бирида 10-12 кунлик ўқув-машқ йилларини ўтказамиз. Февраль ойи бошларида эса бир неча ўртоқлик учрашувларини ўтказиш режалаштирилган. Февраль ойининг охирида иккинчи махсус ўқув йилларини ташкил этамиз. Шу билан бир қаторда жамоа таркибининг республикамизда тарбияланган бир қатор ёш, истеъодли ўйинчилар билан тўлдириб вазибаларини ҳам амалга оширамиз. Зеро, келаси мавсумда ҳам «Пахтакор» жамоаси ўз олдига фақат энг юқори ўйинларни эгаллаш, чиройли, ҳужумкор ўйин кўрсатган ҳолда ишқибозлар дилларини хушнуд этиш, Осиё Кубок эгалари Кубоги баҳсларида муносиб қатнашиш каби мақсадларни қўйган.

— Келаси мавсумда эзгу ниятларингизга эришишингизга тилакдошимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Бу ажиб дунё

Емайди, ичмайди, аммо...

Бразилиялик Клаулину Кордейру да Силва, мана 40 йилдирки, бирор нарса емайди, ичмайди. Аммо саломатлиги жойида. Шифокорлар бунинг сирини нимада эканини билмай гавраган. 76 ёшли чол умрида 2 бор уйланиб, 23 фарзанд кўрган. Шуниси қизиқки, чол 40 даражали офтоб тиги остида турса ҳам сира чанкамайди, ҳатто терламайди, аксинча совуқ қотаётганидан шикоят қилади. 40 йилдан бун унинг тана тузилиши билан шуғулланаётган шифокорлар бу «сир» ҳақида бирор фикр билдиришга ожиз...

85 ёшли «КИЧИНТОЙ»...

Тахминан 8 ёшли бола кўринишидаги бу одам 85 ёшли Телиб Асанбаев ўзи ҳақида шундай дейди:

— Билмадим, менинг бу аҳоли Аллоҳнинг менга кўрсатган қароматини, ёки қарғишимни, чунки менинг юзюзма бирорта тириш йўқ, шу боис одамлар «малиш» дейишади. Овозимда ҳам катталар ҳос ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ, шу боис овозимни ҳам ёш боланикидан фарқ қилишмайди. Ешимни эйтиб бора олиб ёш болалар билан ўйнашни ўзимга эп кўрмайман, катталар эса мени ёш бола деб, ўз давраларига қўшмайдилар.

Докторларнинг гувоҳлик беришича, Асанбаевнинг организмиде 8 ёшли болаларникидай соғлом. Юраги, хотираси яхши, овқатни эса барча тишлари бутунлиги сабабли ҳеч қийналмай чайнайди. Тангининг бундай «ҳазили» хали инсоният тарихида бирор марта ҳам учрамаган...

Ўлик кўз

Оят ал-Ҳакимнинг кўзини хали ҳеч қим юмилганини кўрган эмас. Одамлар бир неча соатлаб унинг олдида атайлаб кўзи юмилганини пойлаб ўтирган бўлсада ҳозирча бу «бахт-га эришиш» ҳеч қимга насиб қилмади.

Оят ал-Ҳакимнинг кўзида шунақа дардга чалинган. Шундан бун ухлаганида ҳам кўзи юмилмайди. Буни ёмон касалликка йўйиб уни ҳатто ҳеч қим юмилганини кўради ҳам олиб боришди. Аммо ҳеч қавради унинг кўзи ҳақида тузуқроқ гап айта олашмайди.

Оят ал-Ҳакимнинг айтишича, кўзи бир суқтада бир ёки икки бор юмилиб очиларкан. Аммо бу қачон рўй беришини ўзи ҳам билмайди. Фақат кўзи юмилганини сезади, холос. Унинг кўзини врачлар «ўлик кўз» деб аташади.

Бу ҳам рекорд

Сахроий Кабирда яшовчи Офок исмли йилит 32 ёшда. У жуда антика рекорд билан Гиннеснинг рекордлар китобига туша ажаб эмас. Офок қарийб 12 йилдан бун ўтказиш қават уст-баш қийиб юради. Бу-ку майли-я, шу устини у бундан 12 йил аввал кийган ва шу вақтга бирор марта ечмаган. Етса ҳам, турса ҳам шу кийимда бўлади. Ҳаммом деган сўзини умрида эшитмаган. Сахроий Кабирнинг 50-60 даража жазирасида шунақа кийимни кўтариб юриш асли жасорат. Офок эса бунга ўрганиб қолган.

Мих ютан қиз

Эскиҳеҳир шахрлик икки ёшли қизалоқ Бусра томоғи оғригандан шикоят қилади. Ота-онаси унга турли-туман дорилар ичиришади, бироқ фойдаси бўлмади. Бусра етти ёшга етгунча ҳам томоғ оғригидан ҳалос бўлмай, шикоят қилаверди. Ниҳоят эр-хотин қизчасини ангишадан бутунлай ҳалос этиш учун уни ҳакимларга олиб боришди. Қизчани рентгендан ўтказган шифокорлар хайратдан кўзларига ишониймади. Рентген сурати қизчанин томоғида бир неча сантиметр зуғуликдаги миҳ санчилиб қолганлигини аниқ равшан кўрсатиб турарди.

Ҳакимлар аввал эҳтиёткорлик билан томоғ безарини олиб ташлаганидан кейингина Бусрани миҳдан ҳалос этишди.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

НАЗМ

Ўтиб бормоқда умр қарвони,
Ошиқликнинг ширин хар они.
Жонни ўртар висол армони,
Сен қайдасан, қалбим мехмони.
Чакчақлашнинг келди замони,
Сен қайдасан танним дармони.

Умр қарвони

Санамларнинг ширин забони,
Сен вужудим суҳбатижони.
Севгинг бўлди элнинг достони,
Мехрингга зор кўнгили бўстони.

Сен қайдасан баҳтим посбони,
Ошиғингнинг сендадир жони.
Сен қувончим, руҳи равоним,
Тан мадори, оромижони.
Жадал борар умр қарвони,
Сен билан заволи унинг хар они.

Кел, эй, дилрабо!

Севгини демангиз ҳавасу ҳаво,
Бир гўзал ишқига бўлдим мубтало.
Қалбимни ўртади ул қоши қаро,
Кийналдим дардимга тополмай даво.
Хусни-жамолига бўлиб мен шайдо,
Бошимга тушди кўп даҳшатли бало.

Олисан бўлса ҳам айласин нидо,
Ёмондир ҳолим, дилим бенаво.
Менга лутфу қарам қилса таманно,
Сулуга айтай дилдан тасанно.
Севгида қўрсатса садокат, вафо,
Ишқига жимсини айлайин фидо.
Юрагимда жўш ураб ишқий наво,
Умидим, ишончим, кел, эй, дилрабо!

Ёр керак

Улардек сулув, дилдор,
Менга шундай ёр керак.
Яхши ният — ёрти мол,
Қалби пок, ўзи ҳалол,
Қайда у соҳибжамол,
Менга шундай ёр керак.
Муродимни бер, Олло,
Ҳаёлимда таманно,
Қилайин жонни фидо,
Менга гўзал ёр керак!

Улардек сулув, дилдор,
Менга шундай ёр керак.
Яхши ният — ёрти мол,
Қалби пок, ўзи ҳалол,
Қайда у соҳибжамол,
Менга шундай ёр керак.
Муродимни бер, Олло,
Ҳаёлимда таманно,
Қилайин жонни фидо,
Менга гўзал ёр керак!

Тақдирга тасанно

Сен туйфайли гўзал дунё,
Юзларингдан ёғар зиё.
Кўзларингда яшар сеvgи,
Дилнинг тўла ишқий наво.
Сен борсан, бордир вафо,
Вафо билан инсон зебо.

Мухаббатдан бўлдим ризо,
Жонгинанга жоним фидо.
Тақдиримга минг тасанно,
Сени менга берди Худо...
Неъмат ЁҚУБОВ

ПОЧТАНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЯНГИ ХИЗМАТЛАРИ

«Тошкент почтамати» АЖ (Бош почтаamt) Тошкент шаҳри доирасида кўлдан-кўлга элтиб бериш шарти билан қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:
— байрам билан табриклаш хат ва откриткалар;
— тугилган кун муносабати билан юбориладиган табрик, гулдаста ва совғалар;
— тўй, юбилей ва бошқа тантанали тадбирларга таклифномалар;
— барча турдаги почта жўнатмалари ва телеграммаларни жойида қабул қилиш;
— товар намуналари, шунингдек реклама, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа турдаги элтиб беришга доир хизматлар.
Топшириқни бажариш муддати 1-3 соат
Тўлов тури — хоҳланган шаклда
Тўлов микдори — келишилгани бўйича

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.